

Мусулмонлар вафот этганларни фақат яхшилик билан эслайдилар



11:50 / 29 сентябрь 448

أَهْنَعُ هَلْ لَأِي ضَرَّةَ شِيءٍ أَعْنَعُ
هَيَلَعُ هَلْ لَأِي لَصِيَّبِ نَلْنَعُ
أُؤْبُسَاتِ أَلْ أَلْ أَمَّ لَسَو
أَوْضُفَ أَدَقُّ مَهْنِ أِفَاتِ أَوْمِ أَلْ
يِرَاخُ بَلْ أَوْرَ . أَوْمِ دَقِّ أَمِ يَلْ
يِئِئِ أَسْنَلْ أَو

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Оламдан ўтганларни ҳақоратламанглар. Чунки улар ўзлари тақдим қилган нарсага етишганлар», дедилар».

Бухорий ва Насайи ривоят қилганлар.

Шарҳ: Вафот этганлар бу дунёда нима қилган бўлсалар, ўшанга яраша жазо ёки мукофотларини олиб ётибдилар. Уларни ҳақоратлаш, ёмонлаш, лаънатлаш яхши эмас. Уларни ёмонлаш, айбларини зикр қилиш залолатга кетган миллатларнинг ишидир. Муслмонлар вафот этганларни фақат яхшилик билан зикр қиладилар. Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола бўлган кишиларни ҳақоратлашга бандаларнинг ҳаққи йўқ.

هَلَلَا يَلَصَّيْبِن لَادُنْعَ رَكُذُو
ءُوسِبُ كِلَاهَمَّ لَسَوِ هِيَلَع
إِمْ كَالَه أُرُكُذَت آل : لَاقَف
يِئَسِّن لَاهَا وَرِي خَب

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида вафот этган одам ёмонлик ила зикр қилинди.

Бас, у зот:

«Вафот этганларни фақатгина яхшилик билан зикр қилинглар», дедилар».

Насайи ривоят қилган.

Шарҳ: Ҳа, муслмонлар оламдан ўтганларни фақат яхшилик билан эслайдилар. Ёмонлик билан зикр қилмайдилар. Афсуски, кўп вақтларда бу нарса унутиб қўйилади. Оқибатда шариат таълимотлари бузилади, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига осий бўлинади, вафот этган одамнинг яқинларига озор берилади.

نَع ، هَلَلَا يَضَرَّ رَمْعَ نُبَا نَع
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصَّ يَبُّنَا
نَسَاخَمَ أَوْرُكُذَا لَأَقَ مَلَسَو
نَع أَوْفُكَ وَ مَكَّاتُوم
يَذُمَّرَّتْ لَأُ هَاوَرُ . مَهِي وَأَسَم
دُوَادُ وَبَأُو

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«**Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

«**Вафот этганларнинг яхшиликларини зикр қилинглар. Уларнинг ёмонликларидан тийилинглар», дедилар».**

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шариф олдин келган ҳадислардаги маъноларни таъкидлаш билан бирга, икки ишни — вафот этганларнинг фақат яхшиликларини зикр қилиш билан ёмонликларини мутлақо зикр қилмасликни жамлаб келмоқда.

Афсуски, мусулмонлар ичида ҳам бошқа милатлардан таъсирланиб, оламдан ўтганлар ҳақида ёмонликларни зикр қилиш, уларни турли йўллар билан ҳақоратлаш жуда кенг тарқалган. Ушбу ҳадисларга амал қилиб, бу ношаръий ишга барҳам бериш лозим. Вафот этган мусулмонларнинг фақат яхшиликларини зикр қилиб, баъзи бир камчиликлари бўлса, улар ҳақида гапиришдан тийилиш лозим.

«**Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**

